



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Гузор тумани 2023 йил 9 январь 4-1803-2202/1883-сонли иш**

Гузор туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.С.Хўжақулов раислигида, судья ёрдамчиси Б.С.Шамсиддиновнинг котиблигида, аризачи [REDACTED] нинг, жавобгар [REDACTED] га нисбатан 28 504 834,1 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили А.Сувонов, (07.01.2023 йилдаги 22-06203-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Гузор туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и**

Аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда аризачи) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] га (бундан буён матнда жавобгар) нисбатан 28 504 834,1 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ўз кўрсатмасида, ТСОЯЭАТ (ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими) маълумотига кўра, жавобгарнинг Қозоғистон давлатидаги “КХ “Кут-береке” билан тузилган 201582140301863326210200001-сонли импорт контракти бўйича 6 000 АҚШ доллари, ИП “ФилОсофтика” билан тузилган 201582140301863326210200002-сонли импорт контракти бўйича 4 640 АҚШ доллари миқдорда дебитор қарздорлик юзага келганлигини шу сабабли амалдаги “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабидан келиб чиқиб, жавобгарнинг дебитор қарздорлигига нисбатан 10 ҳамда 35 фоиз молиявий жарима ҳисобланганлигини маълум қилиб, суддан ариза талабини қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда – ИПК деб юритилади)нинг 220-моддасига кўра, суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилиши, бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақлилиги, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб



топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмаслиги қайд этилган.

Суд ИПКнинг 128, 170, 220-моддаларига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этган аризачи вакилининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, далилларни муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари ижроси юзасидан ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ)дан олинган маълумотга асосан жавобгар Қозоғистон давлатидаги “КХ “Кут-береке” билан тузилган 201582140301863326210200001-сонли импорт контракти бўйича 6 000 АҚШ доллари, ИП “ФилОсофтика” билан тузилган 201582140301863326210200002-сонли импорт контракти бўйича 4 640 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлик вужудга келган.

Аризачи томонидан жавобгарга 2022 йил 5 ноябрда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликни бартараф этиш ёки жаримани ихтиёрий равишда тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома белгиланган тартибда шахсий кабинети орқали юборилган бўлиб, талабномада ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик суммасининг фоизларига тенг миқдорда жарима тариқасида сўмдаги эквивалентида республика бюджетига 28 504 834,1 сўм  $((4640 \cdot 10 / 100) \cdot 11117,33)$ ,  $((6000 \cdot 35 / 100) \cdot 11117,33)$  (талабномадаги жарима суммаси, уни жўнатиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта курси бўйича сўмда ҳисобланган бўлиб, унга кўра 04.11.2022 йил ҳолатига 1 АҚШ доллари учун 11117,33 сўм) ундирилиши лозимлиги кўрсатилган ҳолда огоҳлантирилган бўлсада, жавобгар томонидан талабнома юзасидан эътироз билдирилмаган, талабномада кўрсатилган жарима жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган ёки муддати ўтган дебитор қарздорлиги бартараф этилмаганлиги сабабли, жавобгарга нисбатан (репатриация қилинмаган активлар суммасининг 201582140301863326210200002-сонли импорт шартномаси бўйича 10 фоиз ҳамда 201582140301863326210200001-сонли импорт контракти бўйича 35 фоиз фоизига тенг миқдорда) 28 504 834,1 сўм миқдорида жарима қўллаш талаби билан асосли равишда судга мурожаат этилган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2017 йилдаги “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3351-сонли қарорининг 1в)-бандига мувофиқ, импорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун импорт қилувчиларга (устав капиталида давлат



улуши 50 фоиздан кўп бўлган ташкилотлардан ташқари) нисбатан экспорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликка йўл қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2021 йилдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5087-сон қарорининг 10-бандига кўра 2021 йил 1 майдан бошлаб, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва “эркин муомалага чиқариш” божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилиши, 2021 йил 1 май ҳолатига шакланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилиши ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2022 йилдаги 471-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, қуйидаги тахрирда баён этилган – Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 241-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун — 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.



Жавобгарнинг Қозоғистон давлатидаги “КХ “Кут-береке” билан тузилган 201582140301863326210200001-сонли импорт контракти бўйича 28.10.2021 йилда 6 000 АҚШ доллари, ИП “ФилОсофтिका” билан тузилган 201582140301863326210200002-сонли импорт контракти бўйича 08.11.2022 йилда 4 640 АҚШ доллари жами 10 640 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келганлиги аниқланган.

Жавобгар томонидан 10 640 АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлик бўйича кечиктирилишига йўл қўйилганлиги сабабли жарима суммасини 10 кун муддат ичида ихтиёрий тўлаб бериш ҳақидаги аризачининг 2022 йил 5 ноябрда унинг шахсий кабинети орқали электрон тартибда юборилган талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ҳолбуки, юқоридаги Низомнинг 28-бандида хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органига талабнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликларнинг бартараф этилганлиги ёки жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шартлиги кўрсатилган.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликлар ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган ёхуд тўлашни рад этган тақдирда давлат солиқ хизмати органи жарима қўллаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши белгиланган.

Ушбу Низомнинг 28-бандида аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда, молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг 90 календарь кун ичида ва уни шу муддат ичида ижро этиш пайтида иш юритиш тугатилиши ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилиниши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда ИПК деб юритилади)нинг 74-моддасига мувофиқ, суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи-назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



“Давлат божи тўғриси”ги Қонуннинг 9-моддаси 19-бандига мувофиқ аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод қилинган.

Юқоридагиларга асосан, суд жавобгарга нисбатан валюта ҳисобрақамига белгиланган муддатида келиб тушмаган 6 000 АҚШ долларининг 35 фоизи 2 100 АҚШ доллари, 4 640 АҚШ долларининг 10 фоизи 464 АҚШ долларининг талабнома юборилган вақтдаги Марказий банк томонидан АҚШ долларига нисбатан белгиланган 2022 йил 4 ноябрь кундаги курс (1 АҚШ доллари 11 117 сўм 33 тийин) бўйича сўмдаги эквивалентида  $2100 \times 11117,33 = 23\,346\,393$  сўм,  $464 \times 11117,33 = 5\,158\,441$  сўм 1 тийин жами 28 504 834,1 сўм миқдоридан молиявий жарима қўллашни, тарафлар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб давлат божи ундирмасликни, аризачи томонидан олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати жавобгар ҳисобидан аризачи фойдасига ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 74, 118, 128, 170, 176-179, 220-222-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л д и :**

Аризачи [ ]нинг [ ]га нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар [ ]га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига асосан 28 504 834,1 сўм молиявий жарима қўлланилсин.

Қўлланилган жаримани қонун талаблари асосида ундириш вазифаси [ ] зиммасига юклатилсин.

Жавобгар [ ]дан [ ] фойдасига 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Тарафлар давлат божи тўлашдан озод этилганлиги инобатга олинсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач суд харажатини ундириш қисмига ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексига белгиланган тартибда апелляция шикоятни бериши (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**Н.С.Хўжақулов**

